

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД-5А120201-2.01

2016 йил "9" 01

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги



2016 йил "22" 01

**ЛИНГВОТАРЖИМАШУНОСЛИК**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси:	100 000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120 000	– Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А 120201	– Қиёсий тилшунослик, лингвистик Таржимашунослик (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

Қамбаров Н.М. – “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.

**Такризчилар:**

Ибрагимходжаев И. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, инглиз тили кафедраси доценти, ф.ф.н.

Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ қошидаги Республика тил ўқитиш маркази раҳбари, доцент, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

## КИРИШ

Ушбу дастур “Чет тилини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатда келтирилган мезон ва талабларга ҳамда 5A120201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (роман-герман тиллар) магистратура мутахассислиги учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган малака талабларига асосланади. Дастурда тақдим этилган назарияга оид билимлар эгалланадиган малака ва кўникмаларни амалиётга татбиқ этишга асос бўлиб хизмат қилади ва касбий компетенцияни таржимашунослик соҳасида ривожлантиради. Ушбу дастур доирасида магистрантларнинг чет тилида коммуникатив компетенциялари (лингвистик, ижтимоий-лингвистик, дискурсив, ижтимоий, ўқув-когнитив) ривожлантирилади.

Лингвотаржимашунослик фани доирасида таржима назарияси, йўналишлари, моделларини чуқур билиш, она тили, рус ва чет тилларда матнларни оғзаки ва ёзма равишда таржима қила олиш, мавжуд таржималар сифатини таҳлил қилиш, ўрганилаётган соҳани замонавий тарақиёти билан боғлиқ билимларни эгаллаш назарда тутилади. Лингвотаржимашунослик фани талабаларнинг лингвистик таржимашунослик соҳасидаги билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш, лингвистик таржимашунослик тарихининг асосий босқичлари ҳамда маданиятлараро мулоқот шароитида таржима фаолиятининг хусусиятларини чуқур ўргатишга хизмат қилади. Маданиятлараро мулоқотда таржимонлар маданиятлар воситачиси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун улар муайян лингвомаданий билим, кўникма ҳамда малакаларга эга бўлишлари зарур. Мазкур билимлар интегратив характерга эгадир, чунки 1) таржимонлик фаолияти мазкур фан доирасида лингвомаданиятшунослик призмаси орқали кўриб чиқилади, ривожлантирилади ҳамда магистр-таржимонларнинг хорижий тилдаги мулоқот компетенциялари (лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, ижтимоий, билиш-англаш) такомиллаштирилади. Шундай қилиб, мазкур курс доирасида тақдим этилган назария таржимон фаолиятида эгаллаши лозим бўлган профессионал компетентлик бўйича амалий кўникмалар ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Магистратура босқичи талабаси фан доирасида: таржима усулларини матн хусусиятига мос равишда танлай олиш, таржимада қўлланиладиган усуллар тарихи ва уларнинг назарий асосларини билиши, таржима жараёнининг асосий қийнчиликларини аниқлай олиши ва уларни бартараф этиш йўлларини топиши; таржимада иккита тилнинг бир – бирига мос келувчи тил моделларини топа билиши, икки тилда қиёсий типологик фаолият олиб бориш малакаларини эгаллаши, турли услубдаги матнларни

таржима қилишнинг асосий хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан эгаллаши, таржиманинг прагматик масалалари билан танишиши, таржима жараёнида матнни содалаштиришнинг асосий усулларини эгаллаши кўзда тутилади.

Ушбу фан учта модулга бўлиниб ўтилади, яъни таржимашунослик, маданиятлараро мулоқот назарияси ва таржимонлик фаолиятининг лингвомаданий аспектлари.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фаннинг мақсади – магистрантларга лингвотаржимашуносликка оид фундаментал билимлар асосларини ҳамда жаҳон олимларнинг лингвистик таржимашунослик фани соҳасида яратган ва маълум даражада муҳим бўлган назарий ишлари ҳақида маълумот бериш, уларга нисбатан илмий ва танқидий ёндашишни ҳамда таҳлил қилишни ўргатиш.

Фаннинг вазифаси – магистрантларга замонавий таржима методларини ўқув жараёнига татбиқ эта олишни, таржима қилинган асарларни оригинали билан солиштириб таҳлил қилишни, таржима тадқиқодлари методикаларидан унумли фойдаланишни, қилинган таржима сифатини аниқлашни, замонавий ва анъанавий усулларни ўргатиш, магистрларни маданиятлараро мулоқат назариясининг илмий аппарати, унда қўлланадиган асосий ёндашувлар ва қонун-қоидалари билан таништириш; маданиятлараро мулоқат назарияси муаммолари бўйича мустақил таълим кўникма ва малакаларини ривожлантириш; магистрантларни таржима фаолияти хусусиятлари асосида қиёсий лингвомаданиятшуносликнинг илмий аппарати, унинг қонун-қоидалари ҳамда тадқиқот бирликлари билан таништириб, уларнинг бу ҳақидаги билимларини чуқурлаштиришдан иборат.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Лингвотаржимашунослик фанини ўзлаштириш жараёнида магистрант:

– лингвистик таржимашуносликнинг тадқиқот методлари, методологияси, турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар, таржима назариясига оид фундаментал билимлар асослари;

– таржима - маданиятлараро мулоқот воситаси сифатида

– таржима фаолиятини амалга оширишда лингвомаданиятшунослик роли ва аҳамияти;

– тиллараро мулоқотда таржиманинг прагматик ва лингвомаданий муаммолари ва қийинчиликлари;

– ижтимоий-маданий коннотация, таржимоннинг “сохта дўстлари”;

лингвомаданий бирликларни ва маданий маълумотларни таржима қилиш мезонлари, стратегия ва усуллари;

– лингвистик типология хусусиятлари, чет ва она тилидаги лексик, грамматик, стилистик мутаносиблик;

– лингвомаданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқотга тегишли мактаблар ва уларнинг асосий йўналишлари, назариялар, тушунчалар, илмий аппарати, қонунийлиги, таърифлаш ва тадқиқот бирликлари, параметрлари, модель ва тадқиқот методикалари, хусусиятлари, аспектлари, бирликлари ва хусусиятлари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

– лакуналар назарияси, лексик ва вазиятли реалія, контекстуал псевдоэквивалентлик ва Ю.Найданинг “динамик эквивалентлик” концепцияси;

– лексиканинг семасиологик ва ономасиологик таҳлили;

– маданиятни ифодалашда семиотик бирликлар;

– маданиятлараро мулоқотни самарали амалга оширишда лингвомаданий ва маданиятлараро компетенция;

– чет ва она тилларининг тузилиши, турли матнларда қўлланиладиган тил воситаларини;

– матнни англаш билан бирга сўз ва терминлар маъносини таҳлил стратегиялари ва боскичлари, асосий маъно компонентлари, матнни бутунлай ёки қисмлар бўйича таржима боскичлари;

– лингвомаданий бирликлар ва маданий маълумотларни таржима қилиш усуллари, қонунлари, ёндашувларининг ўзига хослигини аниқлашни;

– миллий-маданий хусусиятларни маънавий қадриятлар, тил, дискурсив, хулқий-ахлоқий жиҳатдан аниқлаш мақсадида маданиятлараро ўлчовларни амалга оширишни;

– маданиятлараро мулоқотнинг турли аспектлари;

– маданиятлараро ўлчовларнинг модел ва параметрлари; маънавий қадриятларнинг миллий-маданий тил, дискурс, ахлоқий хусусиятлари);

– лисоний ва фон билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш мақсадида турли энциклопедик ва тилга оид луғатлардан фойдаланишни;

– сўз, гап ва матн даражасида таржима жараёнида мезон, стратегия ва усулларни қўллашни;

– дискурсив, лексик-фразеологик, грамматик ва стилистик таржима қийинчиликларини инобатга олиб турли матнларнинг мақсади, тури ва амалга оширишни;

– турли услубдаги матнни таҳлил ва таҳрир қилиш ва таржиманинг умумий йўналишини танлаш, таржима мазмуни ва терминларни тўғри танлаш йўллари ва методларини;

– жаҳон олимларининг таржима фани соҳасида яратган ва маълум даражада муҳим бўлган назарий ишларни *билиши керак*;

– касбий фаолият доирасида матнларнинг маданий адаптация ва чет тили нутқининг стилистик қонуниятларига риоя қилиш;

– маданиятлараро мулоқотни ёзма ва оғзаки равишда амалга ошириш мақсадида чет тили мулоқот компетенциясини эгаллаш (C1 даража) ;

– лексик эквивалентлик нормаларга риоя қилиб, грамматик, синтаксик, стилистик ва лингвомаданий мувофиқликка ва таржима қилинган матнни темпорал хусусиятларига амал қилган ҳолда тадрижий таржима ва вароқдан оғзаки таржималарни амалга ошириш;

– бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш жараёнида лингвомаданий аспектларни инобатга олган ҳолда турли услуб ва турдаги матнларни оғзаки ва ёзма таржима қилиш;

– дастлабки баённи аниқ тушунишга, таржима жараёнини тайёрлашга, керакли бўлган маълумотни махсус адабиёт ва интернет сайтларидан қидиришга ёрдам берадиган матнни таржимадан олдин таҳлил қилиш усулини қўллаш;

– таржима методларини билиш ва амалиётда қўллай олиш;

– таржима матнларини аслият билан қиёслаб танқидий таҳлил қилиш принцип ва услубиятини билиш;

– турли матнларни лексик-семантик таҳлил қилиш ва матндаги грамматик қонуниятларини аниқлай билиш;

– чет ва она тилидаги лексик ва грамматик мутаносибликларни фарқлай олиш *малакаларига эга бўлиши керак*.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Лингвотаржимашунослик фани ўқув режасидаги оғзаки ва ёзма таржима амалиёти, илмий-назарий адабиётлар таржимаси ва таҳлили, матнлар таржимаси назарияси фанлари билан ўзаро боғлиқ. Фан мутахассислик фанлари блокидаги турдош фанлар билан узвий кетма-кетликда ўқитилади.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Лингвотаржимашунослик курси ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Таржима тадқиқотларида иштирок этиш,

маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш ҳамда олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, замонавий технологияларни эгаллаш ва татбиқ этиш, халқ хўжалигининг турли соҳаларида чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржимани амалга ошириш, оғзаки ва ёзма таржима бўйича маданиятлараро мулоқот воситачиси вазифасини уदдалай олиш, хорижий тилни ўргатиш замонавий методикаси ва таржимашуносликдаги замонавий йўналишлар, оқимлар, методлар ва технологияларни билиш ва уларни педагогик фаолиятда қўллай олиш фаннинг амалиётдаги ўрнини белгилайди.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Магистрантларнинг лингвотаржимашунослик фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, яқка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, дискуссия, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш). Ахборот технологиялари, жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида машғулотлар ташкил этилади, Power Point дастури ёрдамида презентациялар ҳамда компьютерда тестлар ўтказилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фанга кириш**

Лингвотаржимашунослик фани ва таржима амалиёти. Таржима фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Таржима назариясининг предмети ва объекти. Таржима мулоқотнинг алоҳида бир тури сифатида. Таржима жараёнига таъсир этувчи омиллар. Оғзаки ва ёзма таржима турлари. Оғзаки ва ёзма таржима босқичлари. Таржима жараёнида матннинг прагматик адаптация масалалари. Матннинг коммуникатив хусусиятлари таржима прагматик ўзгаришларнинг устувор йўналиши сифатида. Адекват рецепция шароитида тиллараро ва миллий-маданий хусусиятларнинг ҳисобга олиш масалалари. Таржиманинг мувофиқ ва номувофиқлиги назарияси. Эквивалентлик даражаларини назарияси. Таржима жараёнида контекстуал маъноларнинг хусусиятлари. Матн даражасида таржиманинг асосий моделлари ва тамойиллари. Матнлар таснифи ва таржима усуллари. Прагматик адаптация, адекватлик ва таржимани баҳолаш масалалари.

### **Таржимашунослик фанининг предмети**

Замонавий лингвистик таржимашуносликнинг шаклланиши. Лингвотаржимашуносликка оид асосий тушунчалар, йўналишлар, мақсад,

вазифалар ва янги замонавий улублар ҳақида маълумот. Лингвотаржимашуносликнинг бошқа фан соҳалари билан ўзаро боғлиқлиги. Таржимашунослик ва адабиётшунослик, лингвистика, қиёсий стилистика. Дунё олимларининг фан ривожига қўшган ҳиссаси ва халқаро алоқалар ўрнатилишда таржиманинг ўзига хос ўрни.

### **Таржимани ўрганишда тизимли ёндашув ва таржима тизим сифатида**

Лингвотаржимашуносликда тизим ва тизимли ёндашув ҳақида тушунча. Тизимли ёндашувнинг матн ҳақида яхлит тасаввур эга бўлишда методологик роли. Таржима ва семиотика.

### **Таржима турлари, жараёни ва босқичлари**

Таржима жараёнига таъсир этувчи омиллар. Таржиманинг ижтимоий – маданий масалалари. Таржима матнлари хусусиятларининг таржимага таъсири. Оғзаки ва ёзма таржима турлари ва таржима босқичлари. Асосий таржима усуллари. Асосий таржима турлари. Таржима тамойиллари, матнлар типологияси ва таржима методлари. Тадрижий ва синхрон таржима.

### **Таржиманинг асосий моделлари ва таржима назариялари**

Таржиманинг лисоний ва нолисоний характери. Таржимада информациянинг лисоний ва нолисоний хусусиятларини Демонстратив, семантик ва трансформацион, функционал-прагматик моделлар; психолингвистик, коммуникатив-функционал ва герменевтик назариялар.

### **Лексикографик манбалардан фойдаланиш йўллари**

Луғатлар турлари. Электрон ва on-line луғатлар турлари. Таржимада тематик, махсус ва лингвистик луғатлардаги маълумотлардан фойдаланиш йўллари. Бир ва кўп тиллик луғатлар ҳамда энциклопедик луғатлардан фойдаланиш.

### **Таржима назарияси категориялари**

Эквивалентлик ва адекватлик тушунчалари мазмуни ва турлари. Денотатив ва сигнификатив маънолар. Тушунча ва концепт. Денотат и референт. Эквивалентлик назарияси кўп қатламлилиги. Формал ва динамик эквивалентлик назарияси. Прагматик инвариант. Эквивалентлик норматив категория сифатида. Эквивалентлик ва адекватлик ва таржимани баҳолаш.

### **Таржима хатолари типологияси**

Чет тилидаги нутқни аниқ тушунмасликдан келиб чиқадиган хатолар. Чет тил соҳиблари маданияти ва урф-одатларини билмаслик оқибатида



юзага келадиган хатолар. Таржимада лексик, грамматик, стилистик хатоларни аниқлаш ва таҳрир қилиш масалалари.

### **Таржима маданиятлараро мулоқот акти сифатида**

Маданиятлар диалоги. Маданиятлараро контактлардаги таржимонлик воситачилик фаолияти. Таржимон маданиятлараро мулоқотда маданият воситачиси ва ретранслятор сифатида. Таржимонлик-воситачилик фаолияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Маданиятлараро мулоқот маданияти.

### **Қиёсий лингвомаданиятшунослик таржима соҳасидаги илмий фан сифатида**

Сепира-Уорфнинг лингвистик нисбийлик ва маданий релятивизм назарияси. Тилда олам манзарасининг акс этиши. Тилнинг кумулятив ва коммуникатив функцияси. Билимнинг структуравий шакллари (фреймлар, концептлар, сценарийлар, скриптлар, прототиплар).

Лингвомаданиятшунослик замонавий тилшуносликнинг соҳаси сифатида. Қиёсий лингвомаданиятшуносликнинг бошқа турдош фанлар билан алоқаси (маданий антропология, маданиятлараро коммуникация, этнопсихология, когнитив лингвистика, коммуникатив лингвистика). Қиёсий лингвомаданиятшуносликнинг таржима назарияси ва амалиётини ўқитишдаги ўрни.

### **Қиёсий лингвомаданиятшунослик бирликлари ва таҳлил қилиш методикаси**

Тил семантикасида универсал ва этноспецифик нисбат. Маданиятни тасвирлашнинг семиотик бирликлари. Прецедент ходисалар (прецедент ном, прецедент матн, прецедент вазият, прецедент образ). Лингвокультурема, мифологема, культуронимлар, идионимлар, ксенонимлар, этнонимлар, маданий қисман ва тўлиқ белгиланган тил бирликлари тушунчалари.

Концепт моделларини изоҳли луғатлардаги таянч сўзлар ёрдамида таҳлил қилиш ва ассоциатив алоқалар. Сўзлар маданий семантикасини аниқлашнинг семиосиологик ва семантик усуллари ва новербал символлар, удумлар ўтказиш ҳамда миллий хусусиятларни аниқлаш методлари.

### **Тилларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва таржимонлик фаолияти муаммолари**

Инглиз тилида сўзлашувчи халқларнинг миллий-маданий менталлиги, нормалар ва конвенциялар, феъл-атвор стереотиплари.

Тил сатҳларининг лингвомаданиятшунослик хусусиятлари ҳамда таржима қилиб бўлиш/бўлмаслик муаммолари. Тиллараро ва маданиятлараро мулоқотда лақунлар назарияси. Ю.Найданинг “Динамик эквивалентлик” концепцияси. Таржима стратегиясини танлаш мезонлари: тарихий, миллий, жанр, прагматик. Таржима культурологик матнининг “учинчи маданият” қисми сифатида.

### **Таржимонлик фаолиятининг лингвомаданий аспекти**

Таржимонлик-воситачилик фаолиятида нутқ ва феъл-атворнинг миллий-маданий хусусиятларни ҳамда мулоқот услубини ҳисобга олиш. Икки тилли мулоқотда адекватлик ва эквивалентлик (нисбий тиллараро лексик лақунарлик, қисман эквивалентлик, юзаки эквивалентлик). Маданий мослаштириш ва ўта мослаштириш. “Understatement” ва “overstatement” таржиманинг стилистик қонун-қоидалари. Таржимонлик фаолиятида лингвомаданиятшуносликка алоқадор қийинчиликлар (очик кўриниб турган – эквиваленти йўқ лексика ва яширин чалғитувчи эквивалентлик, социомаданий коннотация, таржимоннинг “чалғитувчи дўстлари”). Эквиваленти йўқ концептларнинг коннотатив маъноларини беришнинг асосий усуллари: транслитерация, транскрипция, калькалаш, аналогияси (ўхшаш шакли билан таржима қилиш, тасвирий таржима, маънони ривожлантириш (перифраза, метонимик таржима, конкретлаштириш ва умумлаштириш ва ҳ.к.); структура трансформациялари; бутун гапни ўзгартириш, компенсация (таржимада йўқолган қисмларни қоплаш). Маданиятлараро лақуналарни бартараф қилиш: ўрнини тўлдириш ва қоплаш (компенсация), лингвомаданий шарҳлар, семиотик таржима, мазмун трансформацияси.

### **Маданиятлараро мулоқот назарияси риволанишининг асосий йўналишлари**

Маданиятлараро алоқаларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари. “Маданиятлараро мулоқот” тушунчасининг таърифлари.

Маданиятлараро мулоқот назариясининг мақсад ва вазифалари. Маданиятлараро мулоқот назариясининг объекти ва тадқиқот предмети.

Мулоқот фаолияти ва бирликлари (мулоқот ҳодисалари, мулоқот акти, матн ва дискурс).

### **Тилнинг маданиятлараро мулоқот контекстидаги миллий-маданий хусусиятлар**

Лексик сатҳнинг миллий-маданий хусусияти (реалиялар, фон лексикаси, лақуналар). Лексик улушлар назарияси (лесема, семема, лексик тушунча,

лексик фон, эзотерик ва экзотерик улушлар). Семасиологик ва ономасиологик лексика таҳлили. Ассоциатив тажриба.

Концептуал метафорика ва метонимиянинг миллий-маданий хусусияти. Стилистик ва социомаданий коннотациялар. Лексик бирикмаларнинг миллий-маданий хусусияти. Сиёсий аниқлик.

Грамматиканинг миллий-маданий асосланганилиги муаммолари. Агентативлик ва шахсга йўналтирилганлик. Грамматик воситаларнинг (буйруқ гаплар, модал феъллар, ҳолат ва ҳаракат феъллари. артиклар) лингвопрагматик аспекти.

Тилларнинг норматив-стилистик тузилишининг миллий-маданий хусусияти. Функционал-стилистик характерга эга бўлган фарқлар.

### **Турли турдаги дискурсларни ташкил этишнинг миллий-маданий хусусиятлари**

Фрейм назарияси. Маданият ва турли нутқ актлари (таклиф, узр сўраш, шикоят, ёлғон). Тадқиқотнинг эмик ва этик истиқболлари. Дискурс турлари ва уларни ташкил этишнинг миллий-маданий хусусиятлари. Ахборт тармоғининг зичлиги (Э.Холлу) нуқтаи назаридан дискурс таҳлил. Тушуниш ва нутқ ҳосил қилишнинг лингвомаданий стратегиялари.

Маданий намуналар. Маданий намуналарнинг шакл, мазмун ва дистрибуция (Р.Ладо бўйича) жиҳатлари. Мулоқотда ўзини тутиш хусусиятлари. Коммуникатив феъл-атворни ва мулоқот услубларини тадқиқ қилиш модел ва параметрлари. П.Грайс максимлари. Инглиз, ўзбек ва рус маданиятларида хушмуомалалик стратегияси. Инглиз тилида сўзлашувчи халқларнинг мулоқот қилиш қонун-қоидалари.

### **Маданиятлараро мулоқотнинг новербал аспектлари**

Мулоқатнинг новербал воситалари (мулоқотнинг вербал ва новербал таркибий қисмларининг ўзаро алоқалари, маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш учун новербал воситаларни билишнинг аҳамияти). НOVERбал мулоқот турлари: овоз билан боғлиқ жиҳатлар (акустик паралингвизмлар: овознинг баландлиги, оҳанг, интонация, пауза, темп (маром) ва нутқ ритми), графика, кўриш билан боғлиқ жиҳатлар (кўз контакти), проксемика (шахслар ўртасидаги масофа), тактилика (меъёрдаги тактил контактнинг интенсивлик даражаси), кинесика (бадан ҳолати ва ҳаракати, қўл ҳаракатлари), мимика (юз ифодаси), хронимика (вақтга муносабат ва ундан фойдаланиш). Ташқи кўриниш ва кийим. Рамзлар ва удумлар семиотикаси.

Турли маданият эгалари ўртасидаги мулоқотнинг новербал воситаларининг универсал ва этноспецифик жиҳатлари. Социомаданий

лакуна турлари. Маданиятлараро мулоқатда новербал кодлардаги фарқ қилувчи жиҳатлар.

### **“Маданиятлар диалогии” ва “маданиятларнинг ўзаро таъсири” шароитида глобаллашув ва интеграллашув**

Мономаданиятлилик (монокультуризм) ва кўпмаданиятлилик (мультикультурализм). Тил эгаси ва маданий аутентлилик. Аккультурация (маданиятларга мослашув) вариантлари (ассимиляция, ажратиш, яккалатиб кўйиш ва интеграллашув). Тил маданият кўприги сифатида. “Кодларнинг аралашии” ва “кодларнинг биридан иккинчисига ўтиши” тушунчалари. Инглиз тили лингва франка сифатида. Инглиз тилининг бутунжаҳон тили сифатида тарқалиши (ижобий ва салбий жиҳатлари). Маданиятлараро алоқалар муносабати билан юзага келадиган тил инновациялари таҳлили. Тил –Анализ - Маданиятлараро компетенция.

### **Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати**

- Лингвотаржимашунослик фани ва таржима амалиёти.
- Таржима фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.
- Таржимани ўрганишда тизимли ёндашув ва таржима тизим сифатида
- Таржима турлари, жараёни ва босқичлари
- Таржиманинг асосий моделлари ва таржима назариялари
- Таржима хатолари типологияси
- Концептуал метафорика ва метонимиянинг миллий-маданий хусусияти
- Грамматик воситаларнинг (буйруқ гаплар, модал феъллар, ҳолат ва ҳаракат феъллари. артиклар) лингвопрагматик аспекти
- Тилнинг маданиятлараро мулоқот контекстидаги миллий-маданий хусусиятлар
- Фрейм назарияси. Маданият ва турли нутқ актлари (таклиф, узр сўраш, шикоят, ёлғон)
- Турли турдаги дискурсларни ташкил этишнинг миллий-маданий хусусиятлари
- Маданиятлараро мулоқотнинг новербал аспекти
- Мулоқатнинг новербал воситалари (мулоқотнинг вербал ва новербал таркибий қисмларининг ўзаро алоқалари, маданиятлараро мулоқотни амалга ошириш учун новербал воситаларни билишнинг аҳамияти)
- “Маданиятлар диалогии” ва “маданиятларнинг ўзаро таъсири” шароитида глобаллашув ва интеграллашув
- Маданиятлараро алоқалар муносабати билан юзага келадиган тил инновациялари таҳлили

- Таржима маданиятлараро мулоқот акти сифатида
- Қиёсий лингвомаданиятшунослик таржима соҳасидаги илмий фан сифатида
- Қиёсий лингвомаданиятшунослик бирликлари ва таҳлил қилиш методикаси
- Тилларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва таржимонлик фаолияти муаммолари
- Таржимонлик фаолиятининг лингвомаданиятшунослик аспекти

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш буйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш буйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

### **Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни**

Таржиманинг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик қийинчиликлари бўйича глоссарий тузиш, чет тили, она тили ва рус тилини қиёслаш ҳамда унинг натижаларини таржимада қўллаш, икки, уч ва кўп тилли луғатлар билан ишлаш, воситачи тил орқали таржима қилинган асарларини қиёслаш мустақил таълим мазмунини ташкил этади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

- Компьютер ва онлайн таржима муаммоси
- Таржимада лексик ва грамматик трансформациялар
- Таржима моделлари
- Таржима категориялари
- Таржимон маданиятлараро мулоқотда маданият воситачиси ва ретранслятор сифатида.
- Таржимонлик-воситачилик фаолияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Қиёсий лингвомаданиятшуносликнинг бошқа турдош фанлар билан алоқаси
- Сўзлар маданий семантикасини аниқлашнинг семиосиологик ва семантик усуллари ва новербал символлар
- Тиллараро ва маданиятлараро мулоқотда лакунлар назарияси.
- Икки тилли мулоқотда адекватлик ва эквивалентлик
- Маданиятлараро алоқаларнинг турлари ва уларнинг хусусиятлари

- Маданиятлараро мулоқот назариясининг объекти ва тадқиқот предмети
- Концептуал метафорика ва метонимиянинг миллий-маданий хусусияти
- Тилнинг маданиятлараро мулоқот контекстидаги миллий-маданий хусусиятлар

### **Дастурнинг информатсион-услугий таъминоти**

Фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

Булар:

- замонавий аудио-видео воситалари ва компьютер технологиялари ёрдамида маърузаларни ўқиш;
- мазкур фаннинг курси юзасидан машғулотларда компьютер технологиялари ёрдамида тақдиротлар ўтказиш;
- амалий машғулотлар дарсларида ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, диалог, полилог, коммуникатив мулоқот каби интерфаол усуллардан фойдаланиш;
- кичик гуруҳ мусобақалари, интернет янгиликлари ва шу каби илғор педагогик технологиялар қўлланилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати<sup>1</sup>**

#### **Асосий адабиётлар:**

1. Виссон Л. Русские проблемы в английской речи (слова и фразы в контексте диалога культур). – М.: «Р.Валент», 2005.
2. Гарбовский Н.К. Теория перевода: Учебник. М.: Изд-во Моск. ун-та, 2004.
3. Гришаева Л.И. Цурикова Л.В. Введение в теорию межкультурной коммуникации. – М.: Академия, 2007.
4. Кабакчи В.В. Практика англоязычной межкультурной коммуникации. In English about Russia and the Whole World. – СПб.: Союз, 2007.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Newmark P. A Text Book of Translation. – Shanghai: Shanghai Foreign Languages Education Press, 2001.

<sup>1</sup> Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятлари, соҳага оид замонавий манбалар ва ҳар бир тил хусусиятлари инобатга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

2. Борисова Л.И., Т.А. Парфенова. - Справочник по специальному переводу. М.: НВИ-тезаурус, 2005.
3. В. Бреус «Основы теории и практики перевода с русского на английский язык», М.,- УРАО, 2000.
4. Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические вопросы). – М.: Издательство института общего среднего образования РАО, 2001.
5. Тер-Минасова С.Г. Война и мир языков и культур. – М.: Слово, 2008.

#### **Интернет сайтлари:**

1. <http://linguists.narod.ru/downloads.html>
2. <http://www.durov.com/study/1126965784-307.html>
3. <http://youreng.narod.ru/teoper.html>
4. <http://tpot.ru/index.html>
5. <http://www.langinfo.ru>
6. <http://www.lingvoda.ru/forum/actualthread.aspx?bid=2&tid=244>
7. <http://www.twirpx.com/rss/category/4175/>
8. <http://www.twirpx.com/file/311224/>

